



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 17 октябрдаги 485-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бешариқ тумани Абдураззоқ Ота МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича:

Бешариқ тумани Абдураззоқ Ота МФЙ худудида яшовчи аҳолининг бир кунлик сув сарфи 1243 м³ ҳисобланиб ичимлик сув билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: Абдураззоқ Ота МФЙ Зумрад ва Хамжихат кўчалари худудидаги мавжуд ичимлик сув кудуғига 1 дона замонавий электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш ҳамда гидравлик ҳисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошланғунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



И.Абдуллаев

Д.Хамидов